

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 3 | MARCH-APRIL | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-4 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-3-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3-4

ТОШКЕНТ – 2024

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 3-4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-3-4>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

КАРИЕВ Хусниддин Садирдинович

Банк молия академияси

тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10925347>

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида рақамли трансформация жараёнида инновацион банк маҳсулотларини ривожлантириш ҳамда уни ривожлантириш орқали миллий иктисодиётимизда тижорат банкларининг фаолиятини жадаллаштириш йўллари юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилган. Хусусан, молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда рақамли трансформация жараёнида инновацион банк маҳсулотларини ривожлантириш истиқболларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, рақамли трансформация, инновацион банк, банк маҳсулотлари, бошқарув тузилмаси, банк стратегияси, стратегиянинг таркибий элементлари, стратегик устуворликлар, маржа, кредит, депозит, фоизли, фоизсиз даромад ва харажатлар.

ПУТИ РАЗРАБОТКИ ИННОВАЦИОННЫХ БАНКОВСКИХ ПРОДУКТОВ В ПРОЦЕССЕ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье приводятся отзывы о способах ускорения деятельности коммерческих банков в нашей национальной экономике посредством разработки и освоения инновационных банковских продуктов в процессе цифровой трансформации в Республике Узбекистан. В частности, в ходе последовательного реформирования финансового сектора осуществляется ряд мер и, как следствие, создаются необходимые правовые условия для поддержания передового банковского бизнеса и укрепления конкурентной среды в этом секторе. Также в нашей стране представлены существующие проблемы в перспективах развития инновационных банковских продуктов в процессе цифровой трансформации, а также авторские подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: коммерческий банк, цифровая трансформация, инновационный банк, банковские продукты, структура управления, банковская стратегия, структурные элементы стратегии, стратегические приоритеты, маржа, кредит, депозит, проценты, беспроцентные доходы и расходы.

WAYS TO DEVELOP INNOVATIVE BANKING PRODUCTS IN THE PROCESS OF DIGITAL TRANSFORMATION

ANNOTATION

This article provides feedback on ways to accelerate the activities of commercial banks in our national economy through the development and development of innovative banking products in the process of digital transformation in the Republic of Uzbekistan. In particular, during the consistent reform of the financial sector, a number of measures are being implemented and, as a result, the necessary legal conditions are being created to maintain an advanced banking business and strengthen the competitive environment in this sector. Our country also presents the existing problems in the prospects for the development of innovative banking products in the process of digital transformation, as well as author's approaches and proposals to eliminate them.

Keywords: commercial bank, digital transformation, innovative bank, banking products, management structure, banking strategy, structural elements of strategy, strategic priorities, margin, loan, deposit, interest, interest-free income and expenses.

Жаҳон амалиётига кўра, рақамли трансформация жараёнида инновацион банк маҳсулотларини муаммоли ҳолатлар учун молиявий ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, жаҳон банк тизими мобиль технологиялар, рақамли банклар, биометрик технологиялар, блокчейн технологияси ва сунъий интеллект каби замонавий технологиялар билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Натижада, мобиль технологиялар ёрдамида банк ва мижозлар жисмоний алоқасиз, банк биносига бормасдан пул маблағларини бошқариши, масофавий банк хизматларининг кескин тарзда ривожланиши натижасида филиал ва шахобчалар очмасдан фаолият кўрсатувчи рақамли банкларнинг кўпайиши, хавфсизлик даражаси кучайтирилган биометрик технологияларнинг ривожланиши, шаффофлиги кучли бўлган блокчейн технологиясининг оммаланиши ва сунъий интеллект ёрдамида маълумотларни автоматик таҳлил қилиш банк операцияларини амалга оширишда вақтни тежашга эришилади. Бу эса банклар учун масофавий банк хизматларини инновацион ва технологик жиҳатдан ривожлантириш борасида комплекс илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида “...кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш” устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган [1].

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгайтирилмоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиклик ошиб бормоқда. Аҳоли учун валюта айирбошлаш амалиётларини амалга оширишни енгиллаштирувчи янги банк хизматлари жорий этилди, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун имкониятлар яратилди. Шу билан бирга, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очикликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда.

Сўнгги йилларда молиявий хизматларни етказиб бериш ва истеъмол қилиш борасида шунингдек, технологик ривожланиш натижасида бизнес, банк ва молия тизими муҳтида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Банк хизматлар бозорида ҳам интернет ва мобиль технологияларни қўллаш ҳамда улардан фойдаланиш банкларнинг хизмат кўрсатиш тарихида мисли кўрилмаган ўзгаришларга олиб келмоқда. Кўп сонли электрон каналлар орқали электрон банк хизматларини ривожлантириш мижозларга қўшимча қулайликлар тақдим этиш имконини берди. Бугунги кунда ривожланган давлатлар банк тизимида кўплаб молиявий хизматларнинг ортиб бориши масофадан банк хизмати кўрсатиш аҳамиятини янада оширди, натижада бутун дунё бўйлаб йирик банклар томонидан банк хизматларининг турли хил вариантлари онлайн режимда тақдим этилмоқда.

Хусусан, А.И.Жуков банк хизматларига қуйидагича таъриф беради: «Тижорат банклари хизматлари – банк фойдасига маълум бир ҳақ олиш эвазига, мижознинг талабига биноан банк операцияларини бажариш» [2].

Бугунги кун банк соҳасининг ривожланиш тенденцияси хизматларни электрон тарзда юритишга ўтишдир. Бу борада илк фундаментал тадқиқот Халқаро ҳисоб-китоблар банки қошида 1974 йили ташкил этилган Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ўтказилди. Мазкур қўмита томонидан электрон банк хизматлари бўйича ишчи гуруҳ ташкил килинди. Банк назоратчилари учун халқаро электрон банк иши масалалари «Cross-Border Electronic Banking Issues for Bank Supervisors» (2000 й.) маърузалари ушбу гуруҳ фаолиятининг натижасига айланди. [3] Мазкур муаммонинг турли жиҳатларига Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ва Ўнлик гуруҳининг (G10) тадқиқотларида ҳам сезиларли даражада эътибор қаратилган [4].

Ахборот-коммуникацион технологияларни (АКТ) банк фаолиятига жорий этиш ва уларнинг иқтисодиётда қўлланилишини кенгайтириш мамлакатнинг иқтисодий ўсишига катта таъсир кўрсатади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирда иқтисодиётда АКТдан фойдаланишни камайтириш аҳоли жон бошига ҳисобланган даромад ва самарадорликка салбий таъсир қилади [5].

Шу ўринда, «банк ҳисобварағига масофадан хизмат кўрсатиш» ёки «масофавий банк хизматлари» тушунчаларининг моҳиятига эътибор қаратсак.

Масофавий банк хизматларининг ривожланишида рақамли технологияларнинг таъсири асосий омил бўлмоқда. Дастлаб, 70-йилларда банклар алоқа каналлари сифатида банкоматларни жорий қилган, кейинроқ 1980 йилларда телефон алоқаси, 1990 йилларда интернет-банкнинг, 1990-2000 йиллар мобайнида мобил-банкнинг хизмати билан банк технологиялари ўзгариб бормоқда [6].

2000 йилдан турли хилдаги смартфонлар вужудга келди, улар орқали банкка уланиш каналлари ривожлана бошлади. Масофавий банк хизматларининг турлари ортиб борди, улардан миллионлаб банк мижозлари фойдалана бошлади. Ҳозирги кунда ҳам банк хизматлари инновацион банк технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш эвазига такомиллашиб бормоқда.

Рус иқтисодчи олими В.К.Спильниченконинг фикрича, масофавий банк хизматлари информацион хизматларнинг мажмуи ва мижознинг ҳисобварағи бўйича операцияларни банкка ташриф буюрмасдан бажаришдир. Масофавий банк хизматлари телекоммуникация тизими орқали мижознинг банк маълумотлар базасига мурожаати билан изоҳланади [7].

Бизнингча, инновацион банк маҳсулотлари-бу ўз мижозларининг еҳтиёжларини қаноатлантириш учун банклар томонидан тақдим этиладиган янги ва такомиллаштирилган молиявий маҳсулотлар ва хизматлардир. Ушбу маҳсулотлар одатда банк хизматларини янада қулай, самарали ва мижозлар учун қулай қилиш учун янги технологиялар ва усуллар ёрдамида ишлаб чиқилади. Инновацион банк маҳсулотларига мисол сифатида мобил ҳисобни бошқариш иловалари, рақамли ҳамёнлар, онлайн кредитлар ва бошқалар киради.

Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган. Мавзунини ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-манتيкий фикрлаш, статистик усулларида фойдаланилган.

Бугунги кунда инновацион банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш банк секторини рақамли трансформация қилиш жараёнида муҳим рол ўйнайди ва муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Банк маҳсулотларидаги инновациялар иқтисодий нуқтаи назардан муҳим бўлишининг бир неча сабаблари: биринчидан, инновацион банк маҳсулотлари мижозлар учун хизматларнинг қулайлигини оширишга имкон беради, бу эса мижозларнинг содиқлигини оширишга ва янгиларини жалб қилишга олиб келади. Иккинчидан, рақамли технологиялар ва жараёнларни автоматлаштиришдан фойдаланиш банкларга операцион харажатларни камайтириш ва операцион самарадорликни оширишга имкон беради. Учинчидан, инновацион маҳсулотлар банкларга янги мижозларни жалб қилишда ва мавжудларини сақлаб қолишда ёрдам беради, бу эса даромад ва бозор улушининг ўсишига ёрдам беради. Тўртинчидан, инновацион маҳсулотлар даромад олиш учун янги имкониятларни очиши мумкин, масалан, янги хизматлардан фойдаланиш ёки қўшимча хизматларни ривожлантириш учун комиссиялар орқали. Бешинчидан, банк секторидagi инновацияларнинг ривожланиши банклар ўртасидаги рақобатни рағбатлантиради, бу эса хизматлар сифатининг яхшиланишига, мижозлар учун хизматлар нархининг пасайишига ва соҳани ривожлантиришга инвестицияларни рағбатлантиришга олиб келиши мумкин.


Шундай қилиб, инновацион банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш банк секторини муваффақиятли рақамли ўзгартиришнинг асосий элементи бўлиб, ушбу соҳадаги компаниялар учун иқтисодий фойда олишга ёрдам беради.

Бу борада, «Ҳамкорбанк» АТБ томонидан жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар олтига йўналишни камраб олади (1-расм). Улар жамғарма (аҳоли пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш); чакана кредит (ипотека, автокредит, истеъмол кредити, овердарафт ва бошқалар); хожий валюта операциялари (конверция, инкассога қабул қилиш, трансчегаравий ўтказмалар); банк карталари (муомалага чиқариш, картадан картага пул ўтказмалари, хорижий банк карталари эквайринги ва бошқалар); интерактив хизматлар (интернет-банкнинг, SMS-Banking, QR код орқали операцияларни амалга ошириш ва бошқалар); пул ўтказмалари (хорижий валютадаги пул ўтказмалари, ички банк пул ўтказмалари, SWIFT тизими орқали тўловлар, GPI глобал тўлов тизими ва бошқалар).



1-расм. «Ҳамкорбанк» АТБ томонидан жисмоний шахсларга таклиф этилаётган хизматларнинг гуруҳланиши

Шунингдек, бугунги кунда коммуникация соҳасида сифат стандартларининг мавжуд эмаслиги, каналларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, колл-марказ ходимларини ўз даражасида маслаҳат беришлари билан бир қаторда, банк томонидан таклиф этилаётган хизматлар рекламасининг ўтказилмаслиги, фронт офис (айниқса туманларда навбатларнинг катталиги) фаолиятини ташкил этишда колл-марказлар таъсири даражасининг пастлиги каби муаммолар банк фаолияти самарадорлигини пасайтириш ва ишончсизликни оширувчи омил бўлиб қолмоқда.




2-расм. Тижорат банкларида онлайн тарзда ишловчи коммуникацион алоқа каналларининг амалдаги ҳолати

Telegram-ботлар тижорат банклари томонидан таклиф этилади. Аммо мазкур канал бевосита банк ходими билан онлайн тарзда мулоқот қилиш ва тегишли маълумотларни олиш имкониятини бермайди.

1.4-расм маълумотларидан кўринадики, тижорат банкларининг онлайн тарзда ишловчи ахборот коммуникация тизимларида муайян муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Хусусан, тижорат банклари 55 фоизда онлайн чатлар мавжуд бўлиб, уларнинг 27 фоизи орқали тўлақонли мижозлар учун зарурий бўлган маслаҳат олиш мумкин. Бунда чат бўйича мулоқотда тескари алоқанинг йўқлиги ёки сифатининг пастлиги, мижозни қизиқтираётган масалалар бўйича тўлиқ маълумот олиш ёки бериш имкониятининг чекланганлиги онлайн чатлар самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Киберфирибгарлик ва кибер хужумлар чакана банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва банк фаолияти хавфсизлиги даражасини оширишдаги асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Илмий тадқиқот иши олдида қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб мазкур масалага батафсил тўхталиб ўтмаймиз. Чунки бундай муаммоларнинг аксарият қисми тизимли хусусиятга эга бўлиб, алоҳида тадқиқотларни талаб этади.

Умуман олганда, тижорат банкларида инновацион банк хизматлари кўрсатувчи тизимларни куйидаги турларга ажратиш мумкин: маълумотларни узатиш каналлари ва бошқа хусусиятларига кўра 4 гуруҳга ажратилди. «Мижоз-банк» дастури, Мобил-банкнинг, ташқи ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмалари ва интернет-мижоз (thin client) кабилар хусусиятларига кўра турлари муаллиф томонидан тизимлаштирилди (3-расм).



3-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизим турлари

Ушбу инновацион банк хизмат турларини амалиётга жорий қилишда банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда инновацион банк хизматларининг самарадорлигини ошириш йўли билан банкнинг операцион харажатларининг барқарор даражасини таъминлаш лозим. Натижада, инновацион банк хизматларининг диверсификациялашув даражаси ошади, яъни банк мижозлари учун қулай бўлган инновацион банк хизматларидан фойдаланишда танлаш имконияти яратилади.

Фикримизча, Ўзбекистон тижорат банкларида инновацион банк хизматлари кўрсатиш ривожланган давлатлар банклари каби юкори даражада тараккий этмаган, меъерий-хукукий жиҳатдан кучли таъминланмаган. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомда ҳам бугунги инновацион банк хизматлари имкониятларининг хукукий жиҳатлари акс этмаган. Боз устига, айрим тижорат банкларида инновацион банк хизматларидан фойдаланиш йўриқномалари банк веб-сайтнинг интерактив хизматлар бўлимига жойлаштирилмаган. Бу Марказий банк мазкур йўналишда қиладиган ишлари ҳали кўплигидан далолат беради. Бу эса келгусида банк тизимини янада ривожлантиришга рақамли банк соҳасидаги инновацияларни жорий қилиш ва инновацион банк хизматларини такомиллаштиришни талаб этади.

Шунингдек, инновацион банк хизмат турларини амалиётга жорий қилишда мамлакатнинг иқтисодий ва технологик тараққий топганлигига қараб жорий қилиш лозим. Яъни, махсус технологияларни банклар ёки мижозлари сотиб олиш билан боғлиқ бўлган инновацион банк хизмат турлари ҳам айни дамда Ўзбекистон банк тизими учун ҳам муқобил эмас. Ундан ташқари, Ўзбекистонда интернет тезлигининг ҳаддан ташқари секин ишлаши сабабли видео-банкнинг жорий қилиш ўринсиз. Чунки видео-банкнинг юқори интернет тезлиги асосида ишлайди. Ёки иқтисодий ва технологик тараққий этмаган мамлакатларда инновацион банк хизмат турларининг кўпчилигини жорий қилиш қийин. Биринчидан, аҳолини кампьютер ва шунга ўхшаш технологиялар билан таъминлаш имконсиз. Иккинчидан, арзон ва ҳозирги кунда инсоният учун ажралмас алоқа воситаси смартфонлар орқали таклиф этилаётган инновацион банк хизматлари фойдаланувчиларнинг бугунги кундаги танлови бўлмоқда.

REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.
2. Жуков А.И., Банковская система России. М.: Проспект, 2009. с. 186.
3. Electronic Banking Group Initiatives and White Papers. - Basel Committee for Banking Supervision. - Basel, October 2000. - 27 p.
4. <http://www.bis.org> - сайти маълумотлари асосида тайёрланган.
5. Ramayah, T., (2005). Course website usage among distance learning business students: the role of prior experience. *International Journal of Learning* 11, 1507–1517.
6. Devlin, J.F. (1995), «Technology and innovation in retail banking distribution», *International Journal of Bank Marketing*, Vol. 13 No. 4, pp. 19-25.
7. Спильниченко В.К. Трансформация банковских платежных систем в экономике России // *Экономический журнал*. 2012. № 2 (26).
8. https://cbu.uz/upload/medialibrary/c4f/gu734oaca4kfkpmlt4yburbgnemmma1q/Asosiy_yunaliishlar_2024_2026.pdf

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-4 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-3-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3-4

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz